

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА СУВ
ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ

***меҳнат иқтисодиёти ва социологияси фанидан
семинар саволлари ва амалий машғулот
топишириқлари***

Услубий таълиманма

Тошкент 2007

Меҳнат ресурсларининг шаклланиши, меҳнат потенциалидан

фойдаланиш, аҳоли ва меҳнат ресурсларининг таркиби, динамикаси, меҳнат унумдорлиги ва динамикаси пул ва реал даромадлар ва турли шароитларда иш ҳақи кўрсаткичларини иқтисодий ҳисоблаш бўйича семинар саволлари ва амалий машғулот топшириқлари.

ТУЗУВЧИ: Шерипбаева У.А. – катта ўқитувчи

ТАҚРИЗЧИЛАР: А. Тошбоев – Тошкент ирригация ва мелиорация институти, доценти иқтисод фанлари номзоди
Р. Дусмуротов – ТошДАУ доценти, и.ф.н.

"Фермер хўжалиги ва бошқа қишлоқ хўжалик корхоналари иқтисодиёти ва уни бошқариш" кафедрасининг 200_ йил _____-сонли, "Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш иқтисодиёти ва уни ташкил этиш" факултети ўқув-услубий комиссиясининг 200_ йил _____-сонли, ТошДАУ ўқув-услубий кенгаши йиғилишининг 200_ йил _____-сонли баённоmalари билан маъқулланган ва чоп этишга тавсия қилинган.

ToshDAU tahririyati - Nashriyot bo'limi
Toshkent-2007

1-СЕМИНАР
„МЕҲНАТ ИҚТИСОДИЁТИ ВА СОЦИОЛОГИЯСИ”
ФАНИНИНГ ПРЕДМЕТИ ВА МАЗМУНИ

Режа:

1. Меҳнат ҳақидаги асосий тушунчалар
2. Инсон ва жамиятнинг ривожланишида меҳнатнинг аҳамияти
3. Меҳнатнинг мазмуни ва хусусияти
4. Меҳнат иқтисодиёти ва социологияси фанининг предмети ва мазмуни
5. “Меҳнат иқтисодиёти ва социологияси” фанининг ижтимоий фанлар билан алоқаси

2-СЕМИНАР
МЕҲНАТ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

Режа:

1. Меҳнат фаолиятини ташкил этиш бўйича асосий тушунчалар ва муаммолар
2. Меҳнатни ташкил этиш ва унинг меҳнат фаолиятидаги роли
3. Меҳнат тақсимоти ва кооперацияси
4. Иш ўринларини ташкил этиш, режалаштириш ва хизмат кўрсатиш
5. Меҳнат интизоми ва уни рағбатлантириш
6. Меҳнатни ташкил этишда уни нормалашнинг аҳамияти

3-СЕМИНАР
МЕҲНАТ РЕСУРСЛАРИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА
УЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ

Режа:

1. Меҳнат ресурслари ижтимоий-иқтисодий категория сифатида
2. Меҳнат ресурсларининг шаклланиши
3. Меҳнат ресурсларидан фойдаланиш

4-СЕМИНАР
АҲОЛИНИ ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ ВА ИШСИЗЛИК

Режа:

1. Аҳолини иш билан таъминлашнинг моҳияти ва шакллари
2. Аҳолини иш билан таъминлашни тартибга солиш
3. Ишсизлик тушунчаси ва унинг синфлашуви
4. Ишсизликнинг табиий даражаси. А.Оукен қонуни
5. Аҳолини ишсизликдан ҳимоя қилиш борасида давлат тадбирлари

5- СЕМИНАР

МЕҲНАТ БОЗОРИ: ШАКЛЛАНИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИ

Режа:

1. Меҳнат бозори тушунчалари ва ижтимоий-иқтисодий моҳияти
2. Меҳнат бозорининг шаклланиши
3. Меҳнат бозорини тартибга солиш
4. Яқин келажакда меҳнат бозорининг ривожланиш концепцияси

6- СЕМИНАР

АҲОЛИНИНГ ТУРМУШ ДАРАЖАСИ ВА ДАРОМАДЛАРИ

Режа:

1. Турмуш даражаси тушунчаси ва концепцияси
2. Турмуш даражаси кўрсаткичлари тизими
3. Турмуш даражаси динамикаси омиллари
4. Даромад ва унинг турлари
5. Яшаш минимуми ва истеъмол савати

7- СЕМИНАР

МЕҲНАТ УНУМДОРЛИГИ ВА УНИ ОШИРИШ ОМИЛЛАРИ

Режа:

1. Меҳнат самарадорлиги ва унумдорлиги
2. Меҳнат унумдорлигини ўлчаш усуллари
3. Меҳнат унумдорлигининг ўзгариш омиллари ва шарт-шароитлари
4. Меҳнат унумдорлигини оширишнинг резервлари: моҳияти ва синфлашуви

8- СЕМИНАР
КОРХОНАНИНГ МЕҲНАТ РЕСУРСЛАРИ БИЛАН
ТАЪМИНЛАНИШИНИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ (ЁКИ
ТАЪМИНЛАНГАНЛИГИНИ)

Режа:

1. Корхонани меҳнат ресурслари билан таъминланишини таҳлил қилишнинг аҳамияти ва вазифалари
2. Корхонанинг меҳнат ресурслари билан таъминланганлигини аниқлаш

9- СЕМИНАР
БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ ШАРОИТИДА
ХОДИМЛАРНИНГ ИШ ҲАҚИ

Режа:

1. Иш ҳақи: моҳияти ва унинг шаклланиши
2. Иш ҳақининг функциялари ва уларни ташкил этиш тамойиллари
3. Иш ҳақининг ташкилий асослари
4. Таъриф тизимининг моҳияти ва элементлари

10- СЕМИНАР
МЕҲНАТГА ҲАҚ ТЎЛАШ ТИЗИМЛАРИ ВА
ШАКЛЛАРИНИНГ МОҲИАТИ ҲАМДА УЛАРНИ
ТАВСИФЛАШ

Режа:

1. Иш ҳақи тазими
2. Иш ҳақи тизимларини тавсифлаш
3. Асосий ва қўшимча иш ҳақи
4. Меҳнатга ҳақ тўлаш: ишбай ва вақтбай усулларини кўллаш

11- СЕМИНАР
МЕҲНАТГА МУНОСАБАТ ВА УНДАН ҚОНИҚИШ
ЖАРАЁНИ

Режа:

1. “Меҳнатга муносабат” тушунчасининг мазмуни ва тузилиши

2. Меҳнатга муносабатни тавсифловчи асосий омиллар ва воситалар

3. Меҳнатдан қониқиш ҳосил қилишнинг ижтимоий моҳияти ва омиллари

12- СЕМИНАР

ХОДИМЛАРНИНГ МЕҲНАТГА МОСЛАШУВИ

Режа:

1. Меҳнатга мослашувнинг моҳияти ва тузилиши
2. Меҳнат мослашувнинг объектив ва субъектив омиллари
3. Касбий йўналтириш, мослашув ва корхонада юқори лавозимларга кўтарилишнинг комплекс тизими

13- СЕМИНАР

МЕҲНАТ СОҲАСИДАГИ НИЗОЛАР

Режа:

1. Меҳнат соҳасидаги низоларнинг моҳияти, кўрсаткичлари, типлари ва ижтимоий тузилиши
2. Меҳнат низоларининг сабаблари
3. Меҳнат низоларини хал қилиш

14- СЕМИНАР

АҲОЛИНИНГ МЕҲНАТ МИГРАЦИЯСИ

Режа:

1. Иш кучи миграцияси тушунчаси, унинг иқтисодий моҳияти
2. Иш кучи миграциясининг асосий иқтисодий кўрсаткичлари
3. Миграциянинг ижтимоий-иқтисодий вазифалари
4. Миграция сабаблари. Ровенстейн назарияси

МЕҲНАТ РЕСУРСЛАРИ ВА АҲОЛИ БАНДЛИГИ

Аҳоли интенсивлиги ва аҳолининг табиий механик ҳаракатини аниқлашда куйидаги кўрсаткичлар ҳисобланади:

1. Туғилиш коэффициенти – K_T

$$K_T = \frac{T}{\bar{H}} \cdot 1000 \quad (1)$$

T – маълум бир ҳудудда бир йилда туғилганлар сони;

$\bar{H}$ – аҳолининг ўртача сони (йил бошидаги ва охиридаги аҳоли сони йиғиндисининг ўртачаси).

$$K_T = K_m \cdot d \quad (1a)$$

K_m – туғилишнинг махсус коэффициенти;

d – умумий аҳолига нисбатан (15-49 ёшдаги) аёллар улуши.

$$K_m = \frac{T}{H_a} \cdot 1000 \quad (1б)$$

H_a – 16-49 ёшдаги аёллар сони.

2. Ўлим коэффициенти – $K_{\ddot{y}л.}$

$$K_{\ddot{y}л.} = \frac{\ddot{Y}}{\bar{H}} \cdot 1000 \quad (2)$$

$\ddot{Y}$ – маълум бир ҳудудда бир йилда ўлганлар сони.

3. Табиий ўсиш коэффициенти – $K_{таб. \ddot{y}сиш}$

$$K_{таб. \ddot{y}сиш} = \frac{T - \ddot{Y}}{\bar{H}} \cdot 1000 \quad (3)$$

4. Миграциянинг келиш интенсивлиги коэффициенти – $K_{миг. кел.}$

$$K_{миг.кел.} = \frac{Ч_{кел.}}{\bar{H}} \cdot 1000 \quad (4)$$

$Ч_{кел.}$ – ҳудудга маълум бир даврда келганлар сони.

5. Миграциянинг кетиш интенсивлиги коэффициенти – $K_{миг. кет.}$

$$K_{\text{мигкет.}} = \frac{Q_{\text{кет.}}}{H} \cdot 1000 \quad (5)$$

$Q_{\text{кет.}}$ – худуддан маълум бир даврда кетганлар сони.

6. Умумий миграция коэффиценти – $K_{\text{ум.миг.}}$

$$K_{\text{ум.миг.}} = \frac{Q_{\text{кел.}} + Q_{\text{кет.}}}{H} \quad (5a)$$

.....

7. Миграция сальдоси (аҳолининг механик ҳаракати)

$$MC = Q_{\text{кел.}} - Q_{\text{кет.}} \quad (6)$$

$$MC = Y - T \quad (7)$$

Y – аҳолининг умумий ўсиши - 1 йилда;

T – аҳолининг табиий ўсиши - 1 йилда.

(6) ва (7) кўрсаткичлар натижаларининг (+) бўлиши миграция сальдосининг ижобий натижасини, (-) салбий натижасини билдиради.

1-топширик

Худуднинг аҳолиси 01.01.2006 йил 400 минг киши, 01.01.2007 йилда 440 минг киши бўлган. Йил давомида 6300 киши туғилган ва 4200 киши ўлган. Шу йилнинг ўзида бу худудга 44800 киши доимий яшашга кўчиб келган ва 6900 киши худуд ташқарисига кўчиб ўтди.

Аҳолининг интенсив механик ва табиий ҳаракатини ифодаловчи коэффицентларни аниқланг.

2-топширик

Худуд аҳолиси 01.01.2006 йил 500 минг киши, 01.01.2007 480 минг кишидан иборат. Аҳолининг табиий ўсиш коэффицентини аниқланг, қачонки аҳолининг худудга кўчиб кириш интенсивлиги коэффиценти йилига 7%, кўчиб кетиш интенсивлиги коэффиценти 10% га тенг.

3-топширик

Худуднинг аҳолиси 31.12.2005 йилда 300 минг кишини ташкил қилган. Агар йил давомида худудда 3025 киши ўлган, ўлим коэффиценти 11% бўлганда 2005 йилда аҳолининг

умумий ўсишини аниқланг.

4-топширик

Худуд аҳолисининг сони 31.12.2004 йил 800 минг кишини ташкил қилган. 2004 йил давомида ўлганлар сони 9360 кишига етган.

Ўлим коэффиценти 12% худуд аҳолисининг 01.01.2004 йилдаги сонини аниқланг.

5-топширик

Худуд аҳолиси 2004 йилда 6,5 млн. киши бўлган, шундан 2 млн. киши қишлоқ жойларида, қолгани шаҳарда истиқомат қилади. Шаҳарда туғилиш коэффиценти 12%, қишлоқ жойларида 15%, 2006 йилда шаҳар аҳолиси 9% ўсган. Қишлоқ жойларида туғилиш коэффиценти 2% га, шаҳар жойларида 8% га камайган.

2006 йилда 2004 йилга нисбатан туғилиш коэффиценти, қандай ўзгаришини аниқланг.

6-топширик

Худуд аҳолиси 2004 йил 4 млн. киши бўлган. Шундан 1,5 млн. киши шаҳар жойларида қолган қисми қишлоқ жойларида яшаган. Шаҳар аҳолисининг ўлим коэффиценти 9% га қишлоқ аҳолисининг ўлим коэффиценти 30% га тенг.

2006 йил башоратига кўра шаҳар аҳолисининг ўсиши 0,3 млн. кишига ўсади, қишлоқ аҳолиси 0,5 млн кишига камаяди. Шаҳар аҳолисининг ўлим коэффиценти 2004 йилга нисбатан 6% га қишлоқ аҳолисининг ўлим коэффиценти 15% ўсиши кутилмоқда.

2006 йилда 2004 йилга нисбатан худудда ўлим коэффиценти қандай ўзгарган?

7- топширик

2004 йилда умумий туғилиш коэффиценти шаҳар жойларида 15% ни, қишлоқ жойларида 20% ни ташкил қилган. Бунда 38% аҳоли қишлоқ жойларида яшаган. 2007 йил башоратига кўра шаҳар аҳолиси 6% кўпаяди, қишлоқ жойларида туғилиш коэффиценти 5% га, шаҳар жойларида 8% га камаяди.

2007 йилда 2004 йилга нисбатан умумий туғилиш коэффициенти қандай ўзгаришини аниқланг.

8- топширик

2006 йилда Республика аёллари ҳақида қуйидаги маълумотлар бўйича:

Ёш	Аҳоли сони, млн. киши	Умумий аҳоли сонига нисбатан улуши
0-5	5,78	0,040
5-10	5,24	0,036
10-14	5,06	0,035
15-19	4,64	0,032
20-24	5,36	0,037
25-29	6,41	0,044
30-34	6,17	0,042
35-39	5,49	0,038
40-44	2,93	0,02
45-49	5,74	0,039
50-54	4,47	0,03
55-59	5,27	0,036
60	15,18	0,104

Республикада 2006 йилда 2,5 млн. киши туғилган бўлса умумий туғилиш коэффициетини аниқланг.

9- топширик

1. Йил бошида аҳоли сони - 500 минг киши
2. Аҳолининг ўртача йиллик сони - 530 минг киши
3. Умумий туғилиш коэффициенти - 12%
4. Умумий ўлим коэффициенти - 9%

Юқорида келтирилган кўрсаткичлар маълум бўлганда аҳолининг умумий ўсишида йил давомида миграциянинг улушини аниқланг.

10-топширик

Йил бошида меҳнат ресурсларининг сони 1800 минг

кишидан иборат. Йил давомида ишчи ёш таркибига 160 минг ўсмир кўшилди. 180 минг киши пенсия ёшига етди, шундан 100 минг киши ишлашни давом эттирди; 10 минг киши меҳнат ресурслари таркибидан 1-чи ва 2-гурӯх инвалидлари таркибига кўшилди, 80 минг киши ўлди. Меҳнат ресурслари ҳаракатининг йиллик сальдоси 25 минг киши.

Меҳнат ресурсларининг йиллик ўзгаришини ва йил охиридаги меҳнат ресурсларининг сонини аниқланг.

11- топширик

Аҳоли рўйхатига кўра ишга лаёқатли ёшдаги аҳоли 1 млн. кишидан иборат. Шундан 45%и шаҳарда қолган, қисми қишлоқ жойларида яшайди.

Қуйидаги маълумотларга асосан:

1. Ишчи ёш таркибига кирувчи аҳоли сони - 40 минг киши (25 минг киши шаҳарда қолгани қишлоқда)

2. Ишчи ёш чегарасидан ташқаридаги аҳоли сони 22 минг киши (12 минг киши шаҳарда, қолгани қишлоқ жойларида)

3. Ишчи ёш таркибида ўлганлар сони - 5 минг киши (3 минг шаҳарда қолгани қишлоқ жойларида)

4. Ишчи ёш таркибидан ҳудуд ташқарисига чиқиб кетганлар - 3 минг киши (2 минг киши шаҳардан, қолгани қишлоқдан)

Аҳоли рўйхатидан кейинги йилда шаҳар ва қишлоқ жойларидаги ишга лаёқатли ёшдаги аҳоли сонини аниқланг.

12-топширик

Қуйида ҳудуд аҳолисининг сони ва таркиби келтирилган

Ёш чегаралари	Эркаклар			Аёллар		
	Умумий сон минг киши	1-чи ва 2- гурӯх ишла- майдиган инвалидлар % умум сонига нисбатан	Ишламай диган пенсио- нерлар %	Умумий сон минг киши	1-чи ва 2- гурӯх ишла- майдиган инвалидлар % умум сонига нисбатан	Ишламай диган пенсио- нерлар %
0-15	124,0	0,5	-	117,0	0,5	
16-39	212,0	1,5	-	211,0	2,0	
40-54	98,0	2,0	3,0	115,0	4,0	2,5
55-59	31,0	3,0	4,0	40,0	4,0	3,0
60-65	20,0	4,0	4,0	15,0	5,0	3,5
65	32,0	5,0	6,0	76,0	5,5	4,0

Агар 0-15 ёшдаги аҳолидан 2%и, 60-65 ёшдаги эркаклардан 10%и, 65 ёшдан катта эркаклардан 5%и, 55-59 ёшдаги аёллардан 8%и, 60-65 ёшдаги аёллардан 6% ва 65 ёшдан катта аёллардан 1%и халқ ҳўжалигида ишласа ҳудуднинг меҳнат ресурслари сонини аниқланг

МЕҲНАТ УНУМДОРЛИГИ ДАРАЖАСИ ВА ДИНАМИКАСИНИ ҲИСОБЛАШ

Меҳнат унумдорлиги иқтисодиётда жонли меҳнат натижаларини ифодалайди.

Меҳнат унумдорлиги даражаси ва динамикасини аниқлашда 2 гуруҳ кўрсаткичлардан фойдаланилади:

- унумдорлик кўрсаткичи (W)
- бир-бирлик маҳсулотнинг меҳнат сиғими кўрсаткичи (t)

Унумдорлик кўрсаткичи қуйидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$W = \frac{Q}{T_{\text{ж}}} \quad (1) \text{ ёки } W = \frac{Q}{Ч} \quad (1a)$$

бу ерда:

Q – ишлаб чиқарилган маҳсулот миқдори;

$T_{\text{ж}}$ – жонли меҳнат сарфи (соат, кун...);

$Ч$ – ишчилар сони.

Бир турдаги маҳсулот ишлаб чиқариш учун сарфланган меҳнат сиғими даражаси кўрсаткичи қуйидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$t = \frac{T_{\text{ж}}}{Q} \quad (2)$$

Унумдорлик кўрсаткичини ҳисоблашда ишлаб чиқарилган маҳсулот миқдори ишлаб чиқарилган маҳсулот таркибига қараб турлича аниқланади.

Агар таркиб жиҳатдан бир хил маҳсулот ишлаб чиқарилса маҳсулот миқдори натурал кўрсаткичларда (т, кг, м, дона, л) ифодаланиб унумдорлик натурал кўрсаткичларда шаклланади.

Агар ишлаб чиқарилган маҳсулот таркиби турли-туман бўлса маҳсулот миқдори қиймат ҳолатида ифодаланиб,

унумдорлик киймат кўрсаткичларда шаклланади.

Киймат ҳолатдаги унумдорлик кўрсаткичи ялпи маҳсулот (ЯМ), товар маҳсулот (ТМ), соф маҳсулот (СМ), меъёрий соф маҳсулот (МСМ) лар орқали ўлчанади.

Ялпи маҳсулот таркибига тайёр маҳсулот киймати ва шахсий ишлаб чиқаришдаги ярим фабрикатлар яъни тугалланмаган ишлаб чиқариш маҳсулотлари киради.

Товар маҳсулот бу истеъмолчига сотиш учун тайёр бўлган маҳсулотдир.

$$ТМ=ЯМ-ТИЧ \quad (3)$$

бу ерда:

ТИЧ – тугалланмаган ишлаб чиқариш.

Соф маҳсулот бу ялпи маҳсулотнинг янгидан яратилган қисмидир

$$СМ=ЯМ-(МХ+АА+КҚ)+\Phi \quad (3a)$$

МХ – моддий харажатлар;

АА – амортизация ажратмалари;

КҚ – кооперация бўйича қўйилмалар;

Φ – фойда.

1- топширик

Корхонанинг иқтисодий фаолиятини ифодаловчи қуйидаги кўрсаткичлар келтирилган

№	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	Базис йили	Ҳисобот даври
1	Ялпи маҳсулот	минг сўм	16560	175000
1.1	Тугалланмаган ишлаб чиқариш	минг сўм	900	1100
1.2	Хом ашё киймати	минг сўм	6080	6400
1.3	Ёқилғи ва электр энергия киймати	минг сўм	770	890
1.4	Кооперация бўйича қўйилмалар киймати	минг сўм	590	690
1.5	Амортизация ажратмалари	минг сўм	1170	1170
1.6	Иш ҳақи	минг сўм	4200	4350
1.7	Фойда	минг сўм	2850	2900
2	Ишчилар сони	киши	1625	1620

1. Ялпи, товар, соф маҳсулот кўрсаткичларидан фойдаланган ҳолда ҳисобот даврида базис йилга нисбатан меҳнат унумдорлиги даражаси кўрсаткичларининг ўзгаришини аниқланг.

2. Меҳнат унумдорлиги кўрсаткичлари динамикасидаги ўзгаришларни тушунтириб беринг.

2-топширик

Корхонада ишлаб чиқарилган маҳсулот ва бир бирлик маҳсулотга сарфланган меҳнат ҳаражатлари қуйида келтирилган

Маҳсулот тури	Ишлаб чиқарилган маҳсулот миқдори (Ц)		Бир бирлик маҳсулотга сарфланган вақт меъёри
	Базис йилда	Жорий йилда	
А	3000	3100	15
Б	1800	1900	8
В	2200	2000	10

Базис йилда ишчилар сони 420 киши бўлиб, жорий йилда 450 кишига етди. Ишлаб чиқариш ҳажми ва меҳнат унумдорлигининг ўзгаришини (%) фоизда аниқланг.

3- топширик

Жадвал маълумотларидан фойдаланган ҳолда корхонанинг меҳнат унумдорлигини ўзгаришини аниқланг

Корхоналар	Жорий йилда базис йилга нисбатан меҳнат унумдорлигининг ўзгариши (%)	Жорий йилда ишчилар сони
I	+3,5	5920
II	-8,3	790
III	+6,0	1260
IV	Ўзгаришсиз	330

4- топширик

Корхона ташкилотларида меҳнат унумдорлигининг

ўзгаришини аниқланг:

Корхона ташки- лотлари	Ишлаб чиқариш ҳажмининг ўлчовлари	Ишлаб чиқариш ҳажми	Ишчилар сони (киши)	Ишлаб чиқариш ҳажми	Ишчилар сони (киши)
		Базис йил		Жорий йил	
А	Товар маҳсулот қиймати	36000 минг сўм	3000	44000 минг сўм	3600
Б		9000 минг сўм	1500	10500 минг сўм	1500
В	Меҳнат сиғими	4340 минг меъёр соат	3880	4270 минг меъёр соат	3930
Г	Шартли табий	16450 минг ш.т	8980	17500 минг ш.т	8900

5- топширик

Моддий ишлаб чиқариш соҳасида ишлаб чиқарилган ялпи ижтимоий маҳсулот солиштирма баҳоларда 84 млрд. сўмдан 110 млрд. сўмга ўзгарди. Иқтисодиётда бандлар бу даврда 18% ўсди, моддий ишлаб чиқаришда бандлар сони эса 75 фоиздан 62 фоизгача камайган.

Моддий ишлаб чиқаришда меҳнат унумдорлигининг ўзгариши қандай эканлигини аниқланг.

6- топширик

Корхона жорий йилда базис йилга нисбатан ишлаб чиқариш ҳажмини 2% га оширди. Базис ва жорий йилда ишчилар сони куйидаги жадвалда келтирилган.

Корхонанинг бўлимлари	Ишчиларнинг сони (киши)	
	Базис йил	Жорий йил
Асосий бўлим	500	510
Ремонт бўлими	50	55
Транспорт ва оմборхона хизмати	80	100
Ёрдамчи бўлимлар	250	245
Бошқа хизматлар	220	220

Корхонада меҳнат унумдорлигининг ўзгаришини аниқланг.

Базис йилига нисбатан жорий йилда ишчилар сонининг кўпайиши меҳнат унумдорлигининг ўзгаришига қандай таъсир

кўрсатади.

Базис йилга нисбатан жорий йилда ишчилар сонининг ўзгармаслиги меҳнат унмдорлигининг ўзгаришига қандай таъсир кўрсатади.

МЕҲНАТГА ҲАҚ ТЎЛАШ

Иқтисодий ҳисоб китобларда номинал, тақсимланувчи ва реал иш ҳақини ажратиш талаб қилинади.

Номинал иш ҳақи ($ИХ_H$) – ишчига бажарган иши учун ҳисобланган ҳақ.

Тақсимланувчи иш ҳақи ($ИХ_T$) – бу номинал иш ҳақидан даромад солиғи ва бошқа мажбурий тўловларни (H) айириш натижасида қолган иш ҳақидир.

Реал иш ҳақи ($ИХ_P$)-бу ишчининг қўлида ишчи эгаллаган иш ҳақи миқдорида тўғри келадиган товар ва хизматлар миқдори.

Реал иш ҳақи миқдори қуйидаги формула орқали аниқланади:

$$ИХ_P = (ИХ_H - H) \times i_{TK} \quad (1)$$

бу ерда

i_{TK} – пулнинг тўлов қиймати индекси

Тақсимланган иш ҳақи ва реал иш ҳақи ўртасидаги боғлиқлик қуйидаги формула орқали аниқланади.

$$i_{ИХ_P} = \frac{i(ИХ_H - H)}{i_o} \quad (2)$$

$i_{ИХ_P}$ – реал иш ҳақи индекси;

$i(ИХ_H - H)$ – тақсимланувчи иш ҳақи индекси;

i_o – баҳо индекси.

Ишчиларнинг индивидуал иш ҳақи ҳисоб китобини олиб боришда қуйидаги шароитларни эътиборга олиш лозим. Бирор бир разряддаги ишчининг тариф ставкаси (оклади) ($TC(O)$) қуйидаги формула орқали аниқланади:

$$TC_n(O_n) = TC_1(O_1) \times T_{K_n} \quad (3)$$

бу ерда

$TC_n(O_n)$ – n разрядли ишчининг тариф ставкаси (оклади);

$TC_1(O_1)$ – 1 разрядли ишчининг тариф ставкаси (оклади);

T_{κ_n} – тариф сеткадаги п-разряднинг тариф коэффициенти
Вактбай ишлайдиган ишчининг иш ҳақи куйидаги формула орқали ҳисобланади:

$$I_x = TC_n \times T_\phi \quad (4)$$

бу ерда:

TC_n – ишчига бир бирлик вақт (соат, кун) ишлагани учун тўланадиган тариф ставкаси;

T_ϕ – ҳисобот даврида ишчининг ҳақиқатда ишлаган вақти (соат, кун).

Ишбай ҳақ тўлаш куйидаги формула орқали ҳисобланади:

$$IX_{иш.} = R \times q \quad (5)$$

R – бир бирлик маҳсулотга тўланадиган ҳақ;

q – ишлаб чиқарилган маҳсулот.

Бажарилган иш куйидаги формула орқали аниқланади

$$R = \frac{TC_{б.иш.}}{Y_m} \quad (6)$$

$$R = TC_{б.иш.} \cdot B_m \quad (7)$$

$TC_{б.иш.}$ – бажарилган ишга тўғри келадиган тариф ставаси

Y_m – унумдорлик меъёри

B_m – бир-бирлик ишни бажаришга сарфланган вақт меъёри

1-топширик

Шартнома асосида қабул қилинган ишчиларга йил бошида иш ҳақи ойига 38 минг сўм қилиб белгиланган. Йил охирида иш ҳақи ойига 42 минг сўм қилиб белгиланган.

Куйидаги жадвалда истеъмол товар ва хизматларнинг таркиби ва баҳо динамикаси келтирилган:

№	Товар ва хизматлар	Маълум бир даврда баҳо индексининг ўзгариши	Жами истеъмол таркибида улуши (%)
1.	Озиқ-овқат	1,25	65
2.	Кийим-кечак	1,30	12
3.	Узоқ муддатли ишлатиладиган нарсалар	0,80	7
4.	Тура ржой ва коммунал хизматлар	1,40	10
5.	Бошқа товар ва хмзматлар	0,90	6

Йил бошида иш ҳақидан даромад солиғи 12%ни нобюджет фондларга ажратмалар 2%ни ташкил этарди. Йил охирида даромад солиғи ставкаси 1%га ошган, нобюджет фондларга ажратмалар бекор қилинган.

Ҳисобланг:

1. Йил бошида ва охирида иш ҳақи даржасини;
2. Йил бошида ва охирида реал иш ҳақи даражасини;
3. Реал иш ҳақининг ўзгаришини (Икки усул билан)

2-топширик

Фермер хўжалигининг иқтисодчиси ягона тариф тизимининг (ЯТТ) 14-разряди билан 16 иш куни ишлаган. (Белгиланган график бўйича бир ойда 22 иш куни). Ноқулай иш шароити учун асосий иш ҳақининг 30% қўшимча иш ҳақи қилиб белгиланган.

Ҳисобланг: Иқтисодчининг иш ҳақи қанча?

3-топширик

Хўжалик ишчиларида иш ҳақи тўлашда қуйидаги тариф сеткадан фойдаланилади:

Разрядлар	I	II	III	IV	V	VI
Тариф коэффициентлар	1.0	1.08	1.2	1.35	1.55	1.8

1 разряднинг соатлик тариф ставкаси шартномада 3900 сўм қилиб белгиланган.

Бажарилган ишларнинг ва бир сменада ишчининг ҳақини ҳисобланг. Агар ишчи бир сменада 6 ишни (“А”) (бу иш учун бир ишга вақт меъёри 36 мин, иш VI разряд) 5 ишни “Б” (бу иш учун вақт меъёри 1,5, иш V разряд), ва 18 ишни “В” (бу иш учун вақт меъёри-4 иш 1 соатда, иш IVразряд)

4-топширик

Ишчига белгиланган унумдорлик меъёри соатига 3 бирлик маҳсулот. Ишчи бир ойда 170 соат ишлаб 650 бирлик маҳсулот ишлаб чиқарди. Бу бажарилган иш учун белгиланган тариф ставка 720 сўмга тенг.

Бажарилган иш унумдорлик меъёридан оширилса унга

тўланадиган ҳақ 10% дан 15% га, 10,1%дан 20% гача унумдорлик оширилса 40%, 20% фоиздан оширилса 60% кўтарилади.

Ишчининг бир ойлик иш ҳақини ҳисобланг ва ҳақ тўлаш тизимини тавсифлаб Беринг.

5-топширик

МТПда ишбай ҳақ олиш шarti билан ишлайдиган ишчи 1 ойда 22 саккиз соатлик сменада ишлаб қуйидаги ишларни бажарди (жадвалга қаранг)

Бажарилган ишнинг номи	Бажарилган иш сони (дона)	1 ишни бажариш учун вақт меъри соат	Бир иш учун тўланадиган ўртача иш ҳақ (сўм)
М16 болтини чархлаш	320	0,15	570
М24 болтини чархлаш	300	0,17	800
Зинасимон эҳтиёт қисмларни чархлаш	110	0,05	270
Эгри эҳтиёт қисмларни чархлаш	140	0,25	950

Ҳисобланг:

1. Ишчининг ишбай иш ҳақини;
2. Меъёرنинг бажарилиш фоизини;
3. Бажарилган иш разрядига тўғри келадиган ўртача соатлик ставкасини

АСОСИЙ АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Каримов И.А. Ўзбекистон: иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. – Тошкент, “Ўзбекистон”, 1995.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т.1., – Тошкент, “Ўзбекистон”, 1996. – 349 б.
3. Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамыз. Т.2., – Тошкент, “Ўзбекистон”, 1996. – 380 б.
4. Ўзбекистон Республикасининг “Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида”ги қонунига шарҳлар, (ЎЗР Меҳнат вазири Ш.Ибрагимов умумий таҳрири остида; шарҳ муаллифлари: А.Акбаров, А.Тўраев). Тошкент, “Шарқ”, 2000. – 384 б.
5. Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат Кодекси. Тошкент, “Шарқ”, 1999. – 255 б.
6. Абдурахмонов Қ.Х., Мамарасулов Ф.У. Меҳнат иқтисоди. Тошкент, ТДИУ, 1996. – 230 б.
7. Абдурахмонов Қ.Х., Муртазаев Б.Ч. Меҳнат бозори. (Ўқув қўлланма) - Тошкент, ТДИУ, 1999. – 100 б.
8. Адамчук В.В. и др. Экономика труда. Учебник. – М.: ЗАО “Финстатинформ”, 1999. – 341 с.
9. Владимирова Л.П. Экономика труда. Учебное пособие. – М.: Изд. Дом “Дашков и К”, 2000. – 200 с.
10. Меҳнат иқтисодиёти ва социологияси: Олий ўқув юртларининг иқтисодиёт соҳаси бўйича талабалар учун дарслик. / Қ.Абдурахмоновнинг умумий таҳрири остида; - Т.: “Ўқитувчи”, 2001. – 480 б.
11. Рофе А.И. и др. Экономика труда. Учебник для вузов. Под ред. проф. А.И. Рофе. – М.: МИК, 2000. – 248 с.
12. Чжен В.А. ва бошқ. Бозор қонуниятлари асослари. – Тошкент, 1996. – 450 с.
13. Экономика и социология труда. Под ред. Б.Ю. Сербиновского и В.А. Чуланова. Учебное пособие. М.: - Ростов-на-Дону, “Феникс”, 1999. – 512 с.
14. Ўлмасов А. Иқтисодиёт асослари. – Тошкент, “Меҳнат”, 1997. – 223 б.